



ISHOLOS

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 3 май, жума №71 (1288)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Авваламбор, биз оналар ва болалар, кексаларга имкон борича шароит тугдириб бериш, табиий мувозанатни тиклаш, аҳолини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, туғилаётган чақалоқларни турли касалликлардан ҳимоя қилиш каби долзарб муаммоларни ечишга кўмаклашиши - дунёдаги ўзини чин инсон деб биладиган ҳар бир одам учун ҳам қарз, ҳам фарз деб қабул қилишга даъват этамиз.

ҚОРАҚАЛПОҚ ДИЁРИНИНГ САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ, ОДАМЛАР ҲАЁТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ - ДОЛЗАРБ ВАЗИФА



ҚОРАҚАЛПОҚИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИ СЕССИЯСИ

Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессияси бўлди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов нутқ сўзлади.

Бугун сессия кун тартибига қўйилган асосий масалага ўтишдан олдин, деди давлатимиз раҳбари, аввало Қорақалпоғистонда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда, мавжуд камчиликлар, йўл қўйилаётган нуқсонлар ҳақида, ана шу оқсоқликларнинг негизда турган сабаблар ва ҳолатлар тўғрисида алоҳида фикр алмашиб олсак.

Президент қорақалпоқ халқининг турмуш шароитини янада яхшилаш, иқтидорли ёшларни замонавий касбларга йўналтириш, янги иш ўринлари яратиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бугуннинг энг муҳим вазифаларидан эканлигини қайд этди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Темир Камолов ўз аризасига биноан Жўқорғи Кенгес раиси вазифасидан озод этилди.

Президент Ислоҳ Каримов ушбу лавозимга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган Муса Ернихозов номзодини таклиф этди.

Депутатлар яширин овоз бериш йўли билан М.Ернихозовни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси этиб сайлади.

Сессияда сўзга чиққан Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими раиси Т.Ешанов, Хўжайли тумани ҳокими Т.Усниддинов, Беруний тумани Абай номидаги ижара хўжалиги раиси Д.Работова, «Ўзбекистон темир йўллари» миллий компанияси Оролбўйи бўлими бошлиғи Т.Темирбаев ва бошқалар Президентимиз нутқиде ўртага қўйилган вазифаларни бажариш, иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш барчанинг бурчи эканини таъкидлади.

Мамлакатимиз раҳбари Нукус ва Хўжайли шаҳарлари йўлида бунёд этилган улкан кўприкни кўздан кечирди, замонавий услубда барпо этилган ушбу иншоотнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

(ЎЗА).

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОҲ КАРИМОВНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!

Хурматли депутатлар! Авваламбор, беповён қорақалпоқ диёрига баҳор кириб келган мана шу кунларда барчангизни соғ-омон кўриб турганимдан хурсанд бўлганимни айтиб, сизларга яна бир бор ўзимнинг хурмат-эҳтиромимни билдирмоқчиман.

Бугунги сессия кун тартибига қўйилган асосий масалага ўтишдан олдин, ижозатингиз билан, баъзи бир муҳим масалалар ҳақида, аввало, Қорақалпоғистонда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда, мавжуд камчиликлар, йўл қўйилаётган нуқсонлар ҳақида, ана шу оқсоқликларнинг негизда турган сабаблар ва ҳолатлар тўғрисида алоҳида фикр алмашиб олсак.

Шу масалалар бўйича мен ҳам ўзимнинг баъзи фикр-мулоҳазаларимни билдирсам, уйлайманки, фойдадан холи бўлмайди.

Бугун биз ўз фаолиятимизга, қилган ишларимизга танқидий баҳо бера эканмиз, биринчи

галда, шу заминда истиқомат қилаётган одамларнинг турмушини нима ҳисобидан яхшилаш, катта орзу-умидлар билан ҳаётга қадам қўяётган ёшларимизнинг қалбида эртанги кунга ишонч, ўз юртига меҳр туйғуларини кучайтириш тўғрисида уйлашимиз лозим.

Айниқса, бутун умр ҳалол меҳнат қилиб келган ота-боболаримиз, молларимизни эъозлаш, уларнинг оғирини енгил қилиш, юртимизда «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинган ушбу йилда уларга бўлган хурмат-этиборимизни ва бериладиган амалий ёрдамни янада кучайтириш чораларини кўришимиз даркор.

Бир сўз билан айтганда, ўз тақдирини шу юрт билан боғлаган одамларнинг ташвишлари, ўй-фикрларини чуқур ҳис этиб, бугун мана шу ерда тўпланган раҳбарлар, ҳокимлар, барча фаолларнинг бу борадаги бурчи ҳақида яна бир бор гаплашиб, ўз вазифаларимизни аниқ белгилаб олишимиз зарур.

Азиз дўстлар! Дунёда одамзот бор

экан, ҳар бир инсон Оллоҳ таоло ато этган умри давомида орзу-умидлар билан ҳаёт кечиради.

Бугунги кунга шукр қилиб, эртанги кунга ишонч туйғуси билан эзгуликка интилиб яшаш - барчамиз учун табиий ҳол.

Кўпчилик қаторида қорақалпоқ халқи Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ бўлган экологик офат туйғули вужудга келган оғир ва мураккаб бир шароитда ҳам эртанги кунга ишонч ва умидлар билан ҳаёт кечирмоқда.

Лекин, барчамиз яхши тушунамизки, тугилиб ўсган ерига меҳр қўйиш, шу туйғунинг ўз фарзандларига, ниҳол каби ўсиб келаётган ёш авлод қалбига сингдириш, ўз она юрти билан ғурурланиш ва кадр-кимматини, бошини бандан тутиб, ҳеч кимдан кам бўлмайман, деган кайфият билан мана шундай оғир бир шароитда кун кечирши, яшаш, ҳақиқатан ҳам, шу тупроқда истиқомат қилаётган одамлардан қандай катта чидам, мардлик ва матонат талаб қилади.

Шуни фахр билан айтиш зарурки, қорақалпоқ

халқининг табиатида ана шундай юксак фазилатлар азалдан мужассам бўлиб келади.

Ҳозир ҳам кечагидек эсимда, мен 1989 йилнинг ёзида мамлакат раҳбари сифатида эндигина иш бошлаган кунларимда бу ердаги ҳақиқий ҳол-аҳволни атрофлича билиш, одамлардан кўнгил сўраш, биринчи галда ҳал этиш лозим бўлган ҳаётий масалаларни аниқлаш мақсадида дастлаб Қорақалпоғистоннинг Мўйнок туманига келган эдим.

Айтиш керакки, ўшанда юртимиз қалтиш ва мураккаб даврни бошдан кечираётган эди. Бир томондан - Фарғона фожиалари, яна бир томондан - қишлоқларимиздаги ачинарли аҳвол, бир ёқда - Ўш-Ўзган воқеалари, буларнинг барчаси елкамиздаги оғир юк бўлиб, бизни қаттиқ ташвишга солиб турар эди.

Биз ана шундай мушкул бир вазиятда босиқлик билан иш тутиб, муаммоларнинг тўғри ечимини топишга ҳаракат қилдик.

Шароит ўта кескин бўлишига қарамай, ўша пайтдаёқ Оролбўйи муаммосига алоҳида эътибор

берганимиз туйғули вазиятнинг янада хатарли тус олишига йўл қўймадик.

Айниқса, ушбу минтақада дарахтзор ҳудудлар яратиш, пахта яккахокимлигини чекаб, одамларга томорқа бериш, Устюрт коллекторларини таъмирлаш, 220 та тоза сув чиқарадиган қурилма барпо этиш каби кўп-кўп тадбирлар ўша кезларда бошла-лозим бўлган ҳаётий масалаларни аниқлаш мақсадида дастлаб Қорақалпоғистоннинг Мўйнок туманига келган эдим.

Ўша пайтларда собиқ иттифоқ раҳбарияти ва жаҳон жамоатчилиги эътиборини Орол фожиасига қаратиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз ҳам халқимизга яхши маълум, деб ўйлайман.

Аммо, ўша даврда собиқ СССР Даври Советининг бу масала бўйича юзани, қуруқ декларациядан иборат қарорини айтмасак, бу борада бошқа бирон-бир амалий қадам қўйилмаган эди.

Лекин, бугун барчангизга миннатдорлик билан айтишим керак, биз қўл қовуштириб ўтирмадик. 1989 йилнинг ўзидаёқ ушбу минтақада яшайдиган аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилди, 380 миң кишига медицина ёрдами

кўрсатилди, қарийб 4 миң киши мамлакатдаги тегишли шифохоналарга ётқизилди, минглаб болалар санаторийларда даволанди.

Такрор айтаман, мен қорақалпоқ халқининг олижаноб ва мардлигини ўша оғир дамларда юрак-юрагимдан ҳис этганман.

Мен Молия вазирлигида, Госпланда ишлаган пайтларимда ҳам бу ерга кўп марта келганман.

Лекин ўша 1989 йилда бу минтақанинг нечоғли оғир аҳволга тушганини, Оролнинг қуриши билан нафақат одамлар, балки ерининг ўзи ҳам нақадар эзилганини кўриб, елкамга қандай катта ва оғир юк тушганини яна ва яна бир бор сезганман.

Ва, керак бўлса, бу масала бугун ҳам қалбимнинг тубида оғриқ бир нуқта бўлиб турганини сизларга очик айтишим мумкин.

Бугун биз ўн-ўн икки йил олдин, яъни эндигина мустақил бўлиб турган пайтлардаги воқеаларни, бошимизга тушган не-не қийинчилик ва муаммоларни ечиш йўлида

(Давоми 2-3 бетларда).

БЕҒАРАЗ ЁРДАМ

Самарқанд аэропортида АҚШнинг «Heart to Heart International» («Халқаро беғараз ёрдам») ташкилоти томонидан ажратилган инсонпарварлик ёрдамини топишириш маросими бўлиб ўтди. Қиймати қарийб 6 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган бу юк дори-дармон ҳамда турли даволаш анжомларидан иборат. Уларни Самарқанд, Сурхондарё ҳамда Қашқадарё вилоятларидаги шифохоналарга тарқатиш кўзда тутилган.

АҚШ давлат департаменти томонидан қўллаб-қувватланувчи «Heart to Heart

International» ташкилоти 1992 йилдан бунён фаолият юритиб келади. Шу кунгача у дунёнинг турли мамлакатларига қарийб 200 миллион долларлик ёрдам кўрсатган.

Ташкилотнинг 1998 йилдан бунён мамлакатимиздаги шифо масканларига кўрсатган муруват ёрдами 13 миллион доллардан ошган.

Инсонпарварлик ёрдамини топишириш маросимида АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Хёрбст иштирок этди.

(ЎЗА).

КАССА МАШИНАЛАРИ ХЎЖА КЎРСИНГАМИ?

Бухоро давлат солиқ бошқармасининг қисқа муддатли текширишлар ўтказувчи ва бозорлар фаолиятини назорат қилувчи бўлими ходимларида тиним йўқ. Кейинги ойлarda улар 157 та юридик ва 140 та жисмоний шахслар фаолиятини текширувдан ўтказиб бир талай қонунбузарликларни аниқладилар.

Бухоро шаҳар «Боғи-шамол-94» хусусий фирмасида ўтказилган текшириш давомида қизик ҳолат намойён бўлди. Фирма шу йилнинг биринчи чорагида 147,8 миллион сўмлик спиртли ичимликлар сотиб, банкга 1,3 миллион сўм топширди, ҳолос. 146,5 миллион нақд савдо пули эса

фирма эҳтиёжларига сарфлаб юборилди. Шу-нисси ажабланирлики, фирма ходимлари спиртли ичимликларни сотишда назорат касса машиналарини четлаб ўтишган экан. Худди шундай ҳолат «Саид-Сухроб» хусусий фирмасида ҳам кўзга ташланди. Фирмада 77 миллион сўм нақд савдо

пули назорат касса машинасида ўтказилмаган ва банк муассасасига топширилмаган эди. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳар иккала қорхона ҳам молиявий жаримага тортилди. «Саид-Сухроб» хусусий фирмаси раҳбари Ж.Жаббаровга нисбатан жиноий иш ҳам қўзғатилди. Юқоридаги мисоллардан кўришиб турибдики, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 декабрдаги «Аҳоли билан пуллик ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат

касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисида»ги қарори жойларда суст бажарилаётди. Солиқчилар савдо қоидаларини бузган, назорат касса машиналаридан фойдаланмаган, нақд пул тушумлари банк муассасаларига ўз вақтида топширилмаган 32 ҳолат бўйича шаҳар ва туман ҳокимликларига тақдимномалар киритдилар. Шунга қарамай айрим савдо ходимлари аҳоли билан пуллик ҳисоб-китоб пайтида

хамон назорат касса машиналарини четлаб ўтаётганликларни кишини афсуслантиради. Солиқ хизмати ходимлари Жондор туман «Қишлоқхўжаликкимё» ташкилотига қарашли дўконларда назорат тартибиде текширув ўтказганларида, 178,1 миң сўм савдо пули назорат касса машиналаридан ўтказилмаганлигини ва банкларга топширилмаганлигини аниқладилар. Бундай қонунбузарлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг юз баробари миқдориде

Қинғир иш — келтирар ташвиш

молиявий жарима қўлланилди. Агар қонунчиликда амал қилинганда бу пул қорхона жамоасини ижтимоий ҳимоялашга ёки ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфланган бўларди.

Вилоятнинг айрим ҳудудларида хамон даромдани яшириш ҳолатлари давом этапти. Гиждувон тумани Ф.Юнусов кўчаси пули назорат касса қилувчи фуқаро Д.Тошев «Матис» хусусий фирмаси орқали 30 миллион сўмлик спиртли ичимликларни улгуржи баҳода сотганлиги, тушган даромаддан солиқ тўлаш эса

ҳаёлига ҳам келмаганлиги маълум бўлди. Қорақалпоғистон Республикаси Манғит шаҳрида истиқомат қилувчи Малика Искардарова 1,8 миллион сўмлик, Феруза Ортиқова 1,9 миллион сўмлик спиртли ичимликларни устама нархлар билан сотиш учун айланма йўллар орқали олиб кетаётганларида қўлга тушдилар. Тўйтепаллик Гулнора Тошпўлатова 1400 қути «ПИНЕ» сигареталарини сотиб бойимқоли бўлган эди. Лекин бозори бароридан келмади. Чимкентлик Лола Юнусова спиртфурушликни касб этиб олган экан. У ширин халлар билан 1,4 миллион сўмлик 615 литр спиртни сотиш мақсадида олиб кетаётганида солиқчиларга дуч келиб қолди. Солиқ хизмати ходимлари аниқлаган ҳолатлар буйича жиноят иши қўзғатилди ва ҳуқуқбузарлар тегишли жазоларини албатта оладилар. Қинғир иш келтирар ташвиш, деганлари шу экан-да.

Жасур НОСИРОВ, Давлат солиқ кўмитаси Матбуот хизмати бош мутахассиси.

ҚОРАҚАЛПОҚ ДИЁРИНИНГ САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ, ОДАМЛАР ҲАЁТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ - ДОЛЗАРБ ВАЗИФА ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Боши 1-бетда).

қилган ишларимизни эслар эканмиз, мен бир хулосага эътиборингизни тортмоқчиман.

Менинг хулосам шуки, ўша пайтда мамлакатимизда мавжуд бўлган ўта мураккаб аҳволда ҳам қорақалпоқ халқи ўзининг бағрикенглик ва вазминлик фазилатларини намойиш этди, мана шундай ҳар томонлама таҳликали бир вазиятда мамлакатга янги раҳбар бўлиб келган одамга ишонч билдирди.

Ўртамазда қарор топган, бир-биримизни тушунишга хизмат қиладиган мана шундай ўзаро ишонч ва самимият илдизлари балки ўша пайтда томир отган, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ва ана шу унутилмас даврдан таассуротларимни, барчамиз бошимиздан кечирган кунларни эслаб, бугун яна бир қарра, мен нафақат ўзбек халқининг, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзандиман, деб айтишга ҳақким бор, деб ўйлайман.

Мана шундай ҳиссиёт билан мен турли катта минбарлардан - Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ёки Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти бўладими, Европа ёки Осиёдаги нуфузли анжуманлар бўладими - уларнинг барчасида Орол фожияси ҳақида бонг уриб, эй одамлар, кўринглар, англандлар, бизнинг бошимизга тушган офатга эътибор қаратинглар, акс ҳолда бу фалокат эртага умумбашарий тус олиб, сизларнинг ҳам бошингизга тушиши мумкин, шунинг учун бу масалада амалий ёрдам беринглар, деб қайта-қайта қилган даъватларимни жамоатчилигимиз, халқимиз яхши билади.

Расмий маъруза эмас, балки қалб нидоси бўлган бу сўзларни мен наинки Ташкентда ўтирган раҳбар сифатида, балки қорақалпоқ диёрининг бир вакили сифатида айтганимни эслаш бугун ҳам ортиқча бўлмас.

Бундай даъват ва ҳаракатлар ҳали-бери амалда ўзининг тўла аксини топмаган бўлса-да, битта масалада биз маълум натижаларга эришдик.

Яъни, дунё ҳамжамияти, аввало, халқаро ташкилотлар, инсонпарварлик фаолияти билан шуғулланган ташкилотларга бугун Орол фожияси тўғрисида ортиқча тушунириш, қўшимча маълумот беришга ҳожат қолмади.

Бу масала ҳозирги кунда халқаро майдонда дунё микроскопида катта фожия, оғир муаммо бўлиб кун тартибига кўйилмоқда.

Бугун жаҳон ҳамжамияти, биринчи галда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, экология масалалари билан шуғулланган халқаро ташкилотлар ушбу муаммонинг ечимини топиш тўғрисида бош қотираётгани - бу ҳам маълум даражада бизнинг ютуғимиздир.

Бу борада узоққа бормасдан, битта мисол келтириш мумкин.

Яқинда бизнинг юртимизга ташриф буюрган Жаҳон банки раҳбарининг, шунингдек, бошқа хорижий давлат ва сиёсат арбобларининг Орол бўйига келиб, бу ердаги аҳвол билан яқиндан танишганлари ҳам эртага бу масалада олға силжиш, амалий натижалар бўлишига умид уйғотади.

Бугунги кунда барчамиз яхши тушунамизки, Орол ҳавзасини сув билан

тўлдириш - бу ўта оғир масала.

Лекин шундай пайтда Орол бўйи ҳудудиде яшашда техника воситалари одамларнинг аҳолини яхшилаш, аввало, бор, уларнинг соғлигини асраш, насл-насабини баъзи офатлардан сақлаш, бу ердаги ижтимоий вазиятни ўнглаш борасида амалий ишларни бажариш, бунга керакли маблағ ва имкониятларни топиш ва шу мақсадга йўналтириш - бугунги кундаги энг долзарб, четга суриб бўлмайдиган вазифадир.

Авалламбор, биз оналар ва болалар, кексалар ва имкон бориша шароит туғдириб бериш, табиий мувозанатни тиклаш, аҳолини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, туғилаётган чақалоқларни турли касалликлардан ҳимоя қилиш каби долзарб муаммоларни ечишга кўмаклашиш - дунёдаги ўзини чин инсон деб биладиган ҳар бир одам учун ҳам қарз, ҳам фарз деб қабул қилишга даъват этамиз.

Хўрматли халқ ноиблари!

Шу хусусда гапирар эканмиз, охириги икки йилда бутун мамлакатимизда, аввало, Қорақалпоғистон ва Хоразм минтақасида рўй берган қурғоқчилик мавжуд қийинчиликларни янада оғирлаштирганини, муаммоларни янада кескинлаштирганини барчангиз яхши биласиз.

Аммо шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, давлатимиз, халқимиз минтақа аҳолисини табиий офат қаршида ёлғизлаштириб қўймади.

Биз вужудга келган оғир аҳволни енгиллаштириш, унинг салбий оқибатларини қамайтириш мақсадида ўз вақтида барча зарур чора-тадбирларни кўрдик.

Мана шундай тадбирлар доирасида ўтган йилда давлатимиз томонидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига 20 миллиард сўмдан ортиқ молиявий кўмак берилди. Вазирилар Маҳкамаси қабул қилган қарорга асосан фақат ирригация-мелиорация ишларини амалга ошириш учун 931 миллион сўм маблағ ажратилди.

Бундан ташқари, ушбу минтақага Халқаро тиклаш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, хорижий давлатларнинг кредитлари, грантлар ва донорлик ёрдамлари ҳисобидан 25 миллион АҚШ доллари миқдоридеги маблағ ҳам ёрдам тариқасида йўналтирилди.

Мана шу ҳисобдан 2 минг 900 та кудук ишга туширилиб, 200 дан зиёд қийматли аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Ўтган йил ёз мавсумида 15 минг нафардан зиёд қорақалпоғистонлик ўғил-қизларимиз Тошкент, Фарғона ва Самарқанд вилоятларидаги оромгоҳларда дам олди.

3000 нафар опа-сингилларимиз, 1150 нафар фахрийларимиз энг яхши сўхатгоҳларда ўз саломатликларини тиклади.

Айни пайтда, қурғоқчиликдан азият чеккан минтақа аҳолисига қўшимча тарзда нафақалар тўлаш учун 180 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди, аҳоли ва ташкилотлар 866 миллион сўм миқдоридеги ер солиғидан озод этилди, қорхона ва ташкилотларнинг 33 миллиард сўмлик қарзлари қайтарилди.

Вилоятлар ва Тошкент

шаҳри минтақа аҳолиси учун мўлжалланган хайрли ишларни амалга оширишда техника воситалари етказиб бериб, беминнат ёрдам кўрсатди.

Бир сўз билан айтганда, бундай эзгу ишлар давлатимизнинг инсонпарварлик сиёсатини, халқимизнинг ҳаёт қийинчиликларини бир тану бир жон бўлиб енга олиш фазилатини яна бир қарра намойён этди.

Азиз дўстлар!
Энди руҳсатингиз билан шундай оғир ва мураккаб шароитга қарамасдан, Қорақалпоғистонда амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳақида, бунёд этилган янги иншоотлар, замонавий қорхоналар, йўл ва кўприклар, кундалик ҳаётимизда қўлга киритилаётган натижалар ҳақида гапирмасак, бу албатта, инсофдан бўлмайди.

Авалло, шуни таъкидлаш керакки, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш

Шуллар қаторида Орол-

ҳам бу борадаги ишлар изчил давом эттирилаётганини кўрсатиб турибди.

Капитал қурилиш соҳасида қўлга киритилган ютуқлар бу заминда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг яна бир намоёни бўлмоқда.

Ўтган йил давомиде жами 58 миллиард сўмлик қийматга эга бўлган иншоотлар ишга туширилгани, бу йўналишда аввалги йилга қараганда 3 баробар ўсишга эришилгани айниқса диққатга сазовор.

2001 йили 342 минг квадрат метр турар-жой бинолари, 2 минг 850 ўқувчи таълим оладиган, 700 ўринли замонавий ётоқхонага эга бўлган бешта касб-хунар коллежи бунёд этилгани, 1500 ўқувчига мўлжалланган 2 та касб-хунар коллежи тўдан таъмирланиб, бугунги талаблар даражасида қайта жиҳозлангани таъкидлаш лозим.

Шуллар қаторида Орол-

ланишга топширилган, қарийб минг нафар қорақалпоқ йигит-қизлари иш билан таъмин этилди.

Энг муҳими, бу темир йўл қорақалпоқ заминидеги табиий бойликларни ўзлаштиришга, улардан халқимиз, аввало, шу ерда яшайдиган одамларнинг манфаати йўлида фойдаланишга хизмат қилади.

Урга ва Шохпахта газ конларининг ишга туширилиши туфайли биз фақат 2001 йилнинг ўзида 1 миллиард 558 миллион куб метр табиий газ, 12 минг 600 тонна газ конденсати қазиб олиш имконига эга бўлдик.

Ўтган йили очилган Шарқий Бердақ газ қони эса жорий йилда 300 миллион куб метр газ, 400 тонна газ конденсати қазиб олиш имконини беради.

Шуни ҳам айтиш лозимки, 16 миллиард 200 миллион куб метр газ ва 3 миллион тоннага яқин газ

Хамма раҳбарлар яхшилаб эшитиб, қўлоғига қўйиб олсин - биз бундай қарашларга кескин зарба беришимиз зарур.

Чунки биз бундай номақбул ҳолатларга чидаб, улар билан муроса қилиб юрсак, эртага оғир аҳволга тушиб қолишимиз ҳеч гап эмас.

Шу нуқтага назардан қараганда, Қорақалпоғистонда иқтисодий соҳасида муайян - натижалар қўлга киритилган бўлса-да, ҳали аҳолини иш билан банд этиш, одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш масаласида талай муаммолар мавжудлигини айтиш даркор.

Бугун бу ерда қарийб 50 минг одамнинг иш билан таъминланмагани ҳам барчамизни ташвишга солиши зарур.

Мутасадди раҳбарларнинг уқувисизлиги ва лоқайдлиги оқибатида санотат қорхоналарнинг аксарияти ўз фаолиятини бозор шароитига мос ҳолда ташкил эти олмапти.

Мавжуд қорхоналарнинг 40 фоизиде ишлаб чиқариш суриятлари пазасайиб кетгани ҳам бундан яққол тасдиқлаб турибди.

Айниқса, Эллиққалъа, Қораўзақ ва Кегейли туманларида фаолият кўрсатаётган қорхоналардаги аҳвол ниҳоятда ташвишлидир.

Ўзингиз айтнинг, ана шу қорхоналарнинг оморларида 1 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулотнинг ўз харидорини топмай ётгани ишга бўлган шундай совуққон муносабат натижаси эмасми?

Энг ёмони шундаки, 2001 йил давомиде бундай маҳсулот ҳажми аввалги йилдагига нисбатан 10 фоиз қўпайган.

Қорақалпоғистонда хорижий ҳамкорлар билан ишлаш, чет эл сармоясини жалб этиш, ишлаб турган қўшма қорхоналар фаолиятини кенгайтириш борасида ҳам ўзгаришлар кўзга ташланмапти.

Аксинча, бор имкониятларни ҳам бой бериш ҳолатлари кузатишмоқда. Бу ердаги мавжуд 28 та қўшма қорхонанинг 10 таси турли сабабларга кўра ўз фаолиятини тўхтатгани шундай хулоса чиқаришга асос бўлади.

Қўшма қорхоналарнинг мулк шаклини номигагина, ҳўжақўрсин учун ўзгариштириб, амалда ҳали-бери эскичасига фаолият юриятган иқтисодий ислотлар йўлидаги асосий гов-тўсиқлардан бири бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз микрос-

да кичик ва ўрта бизнес ривожига жиддий эътибор берилаётганига қарамай, Қорақалпоғистонда ушбу масалага ҳамон бирёқлама ва юзак қаралмоқда.

Хўлбуки, давлатимиз Қорақалпоғистонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, шу орқали аҳолининг турмуш даражаси ва моддий таъминотини яхшилаш масаласига доимо катта эътибор бериб келмоқда.

2001 йилда бу соҳа ривожига учун 6 миллиард сўм кредит маблағи ажратилди. Бу - аввалги йилга нисбатан 58 фоиз кўп, демакдир.

Албатта, бугун бу ёрдамнинг ўзига хос ижобий таъсири намойён бўлмоқда.

Хўсусан, ўтган йили бу ерда фаолият кўрсатаётган кичик ва ўрта бизнес қорхоналарининг сони 18 фоиз қўпайди.

Айниқса, Тўртқўл туманида тадбиркорлар сони икки баравар қўпайиб, 3 минг 600 нафар ёш йигит-қиз ишлаб чиқаришга жалб этилди.

Айтиш керакки, Бўзатов, Кегейли, Эллиққалъа туманларида ҳам тадбиркорликни ривожлантириш учун анча-мунча ишлар қилинмоқда.

Лекин, шу билан бирга, бутун республика микросида оладиган бўлсак, кичик ва ўрта бизнес ривожига учун яратиб берилган имкониятлардан тўлиқ ва ўринли фойдаланилмаётганини қайд этишга мажбуримиз.

Бу ҳақиқатни 2002 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра рўйхатга олинган кичик қорхоналар ва микрофирмаларнинг 10 фоиз мутлақо фаолият кўрсатаётгани ҳам исботлайди.

Барчангиз яхши биласиз, қишлоқ ҳўжалиги Қорақалпоғистон иқтисодий-тининг асосини ташкил этади.

Мамлакатимизнинг шимолий ҳудуди бўлиши бу минтақада деҳқончилик билан шуғулланиш қанчадан-қанча меҳнат ва машҳаққатни талаб этиши ҳақида гапириб ўтириш, ўйлайманки, ортиқча бўлади.

Лекин шунга қарамай, Қорақалпоғистонда ҳам деҳқончилик илмини пухта эгаллаган, ўз меҳнати билан барчани қўйил қолдираётган тадбиркор инсонлар қўпай топилмади.

Масалан, тахтакўприк моҳир миришкорларнинг мана шундай оғир шароитда ҳам режада белгиланган миқдорда ҳосил олиб келаётгани деҳқон омилкорлик билан иш тўтса, ҳар қандай вазиятда ҳам ердан ризқ-рўз ундира олишини кўрсатади.

Ёки Нукус шаҳрининг шундоқ ёнида жойлашган «Қорақалпоғистон» агро-ҳўжалигини олайлик.

Бу ердаги иссиқхонада томчилатиб сугориш орқали нафақат Оролбўйида, балки Тошкент бозорларида ҳам қўлма-қўл бўлиб кетадиган ноз-неъматлар етиштирилаётгани ҳар қандай одамни ҳам ҳайратга солади.

Масалага шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, барча муаммоларнинг ечимини ишни тўғри ташкил этиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш билан боғлиқ эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Аммо агротехника қоидаларига амал қилинмаса, сувдан тежаб-тержаб фойдаланилмаса, сув тармоқлари вақтида тозаланмаса, ердан ҳосил қилиш мумкинми ўзи?

Шу маънода, ўтган

ҳўжалик йилида сув тармоқларининг атиги 20 фоизи тозалангани ҳеч бир ақлга тўғри келмайди.

Ўзингиз ўйланг, тупроқнинг шўрланиш даражаси юқори бўлган шароитда сугориш ишларига, умуман агротехника талабларига шундай юзак қарашга йўл қўйиб бўладими?

Ёки кузги-қишки агротехник тадбирлар учун қўшни Хоразм вилоятида ҳар гектар ерга ўртача 1 минг 900 куб метр сув сарфланган бир пайтда Қорақалпоғистон Республикасида куб кўрсаткич 3 минг 600 куб метрни ташкил этаётганини ўзимизга тасаввур қилиб кўрайлик.

Ўтган йили, мавжуд қийинчиликларга қарамай, Қорақалпоғистон Республикасида зарур миқдордаги минерал ўғитлар етказиб берилди. Бироқ, сақлаш ва фойдаланишдаги нуқсонлар туфайли уларнинг ақсарият қисми бегўда исроф қилинди.

Ўзингиз айтнинг, Нукус туманида минерал ўғитларнинг очиқ ҳавода қолиб, ёгин-сочинда яроқсиз ҳолга келтирилгани нима дейиш мумкин? Бундан қандай баҳона ёки сабаб билан оқлаб бўлади?

Қадри дўстлар!
Ризқ-рўзимиз манбаи - халқимиз дастурхонини тўқини, турмушини фаровон этиб келаётган мана шу ер, мана шу замин эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Уни парвариш этган, эъзозлаган одам ҳеч қачон кам бўлмайди.

Лекин, ерни ўзбошимчилик билан эгаллаб олиб, ундан қонунга хилоф равишда фойдаланиш қўпчилигининг ҳақиқа хўна қилишдан бошқа нарса эмас.

Минг афсуски, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам мана шундай суистеъмомчилик ҳолатлари содир этилмоқда.

Нукус туманидаги «Нукус», Хўжайли туманидаги «Қорақалпоғистон», «Жамбил», Эллиққалъа туманидаги «Галаба» ҳўжаликлариде катта миқдордаги экин майдонлари ҳисобига киритилмаганини қандай изоҳлаш мумкин?

2001 йилнинг кузиде экилган бугдой майдонлари қайта қўриб чиқилганида, уларнинг бир қисмини ҳисобдан яшириб қолганини, айрим ўринларда эса, «қўшиб ёзилгани» аниқланди.

Бундай ҳолатлар Бўзатов туманидаги «Тўртқўл», Тахтақўприк туманидаги «Жанадарё», «Довқара», Чимбой туманидаги Сейитов номи, Кегейли туманидаги «Қоратов» ва республика йўл таъмирлаш-қурилиш бошқармасининг ёрдамчи ҳўжаликлариде ҳам учрайди.

Бундай ҳолатлар ҳақида қўп гапириш мумкин.

2001 йили Қорақалпоғистон Республикасида барпо этилиши кўзда тутилган 10 та қишлоқ типий пунктнинг биронтаси ҳам ишга туширилмагани, 16 та тез ёрдам марказининг тенг ярни таъмирлашга муҳтож экани, улар ўз эҳтиёжининг 50 фоизи миқдоридеги машиналар билан таъминлангани - ислохотларнинг бу соҳада ҳам оқсатганидан далolat беради.

Бундай муаммолар, минг афсуски, таълим тизимиде ҳам оз эмас.

Республикадаги 764 та ўрта мактабнинг 70 фоизиде ўқувчилар икки сменада таълим олмақда, салкам уч минг ўқувчи эса учинчи сменада ўқишга мажбур бўлмоқда.

Мини футбол: Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг кўчма Кубоги учун

ҲАЯЖОНГА ТЎЛА ОНЛАР


Ўзбекистон Миллий университети спорт за-
лида Республика касаб уюшмалари Феде-
рациясининг кўчма Кубоги учун ўтказилган
беллашувлар ўзининг мурасисиз ва жозиба-
дор ўйинларга бойлиги билан барчада катта
таассурот қолдирди.

Мусобақаларнинг
учинчи кунги бахслари
гуруҳ ғолибларини
аниқлаб берди. «А» гу-
руҳининг «Автомобил-
чи» — «Марказий АСМ»
жамоалари ўртасидаги
учрашувнинг биринчи
бўлимида агросаноат
ҳодимлари касаб уюш-
ма Марказий кўмитаси
футболчилари ўз дарво-
заларидан жавобсиз ет-
тига тўп ўтказиб юбор-
дилар. Иккинчи бўлим-
да ўзларини анча
ўнглаб олган жамоа
аъзолари қолган дақи-
қаларда қанчалик хара-
кат қилмасин, мағлуби-
ятдан қутула олмади:
9:3. «Алоқачи» — «Авиа-
тор» жамоалари ўйини
эса шу пайтга қадар
ўтказилган учрашувлар-
дан кескинлиги билан
алоҳида ажралиб турди.
Айниқса, маҳорат боби-
да анча кучли бўлган
рақибларига нисбатан
муносиб қаршилик қил-
ган «Авиатор» футбол-
чиларининг хатти-хара-
катлари томошабинлар
олқишига сазовор
бўлди. Бирок, «Омад
қўчиларга қулиб боқа-
ди» деганларидек,
охир-оқибат барибир
«Алоқачи» рақиб жамоа-
ни мағлуб этди: 9:6.
Ушбу галабадан сўнг
алоқачилар юз фоизлик
натижа билан ярим фи-
налга йўл олишди.
«Ардус» ва «Горняк»

жамоалари баҳси «В» гу-
руҳи ғолибини аниқлаб
бериши билан катта
аҳамият касб этарди.
Буни яхши ҳис этган ик-
кала жамоа футболчила-
ри ҳам ҳакам ҳуштаги
янграши биланок ҳужум-
кор ўйин намойиш этиш-
га тушдилар. Бир неча
маротаба жамоалар дар-
возалари олдида бир
неча хавфли вазиятлар
создир этилди. Бирок,
бундай вазиятлардан ар-
дусчилар кўпроқ фойда-
лана олдилар. Н.Ақба-
ров, Н.Нурматов, О.Да-
чов, О.Латишкин, Ж.Ус-
монов сингари футбол-
чилар жозибали ва
ҳужумкор ўйин намойиш
этишди. Аслида ўйин би-
ринчи бўлимадаёқ ҳал
бўлганлиги маълум
бўлди. Учрашув сўнггида
«Горняк» жамоаси қанча-
лик яхши ўйнамасин,
жисмоний ва тактик жи-
ҳатдан «Ардус» анча ус-
тун эканлиги кўзга таш-
ланди. Ҳисоб ҳам шунга
яраша — 5:2 бўлди. Бу
натижа мазкур жамоани
ўз гуруҳида биринчи
бўлди. Бирок, «Омад
қўчиларга қулиб боқа-
ди» деганларидек,
охир-оқибат барибир
«Алоқачи» рақиб жамоа-
ни мағлуб этди: 9:6.
Ушбу галабадан сўнг
алоқачилар юз фоизлик
натижа билан ярим фи-
налга йўл олишди.
«Ардус» ва «Горняк»

ўйин кўрсатдилар. Кутил-
маган комбинациялар,
рақиб дарвозасига кет-
ма-кет йўлланган зарба-
лар рақиб дарвозабонла-
рини кўп ўринларда шо-
шириб қўйди. Шу тариқа
иноқ жамоа устунликка
эриша борди. Маълумки,
мини футболда жамоа
бўлиб ҳаракат қилиш,
ҳар бир имкониятдан
унумли фойдаланиш,
қолаверса, ҳужумга зўр
бериш муваффақиятни
таъминловчи омилдир.
Худди ана шу жиҳатлар
«Маорифчи» йигитларида
мавжуд бўлганлиги боис,
улар «Машинасоз» жамо-
асини 4:3 ҳисобда ен-
гишга муваффақ бўлиш-
ди.

Аслида машинасозлар
ҳам турнирга ҳар томонла-
ма пухта тайёргарлик
кўришганди. Ҳужумчилар-



СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

нинг барчани ҳайратга
солган индивидуал маҳор-
рати, тўп билан муомала
қила билиш қобилияти бу-
шарди. Чунки улар даст-
лабки учрашувлардаёқ
ҳамжиҳатлик билан тўп
суриб, гоётада чиройли

саволга аниқ жавоб топол-
май ҳам турдилар. Маъ-
лумки, футболда галаба-
нинг бир чети омадга ҳам
боғлиқ. Худди шу ўйинда
маорифчиларга бахт қулиб
боқди ва улар галаба на-
тижасини суришди.

Бир нарсга кишини
қувонтиради: мусобақа-
лар кўтаринки руҳда, ҳар
томонлама ушқоқлик,
ҳамжиҳатлик вазиятида
ўтди. Спорт мажмуасига
йигилган кўпдан-кўп иш-
кибозлар ҳаяжонли, узок
вақт эсда қоладиган уч-
рашувларнинг гувоҳига
айландилар. Оддий иш-
чилар, қурувчилар, тад-
биркорлар, алоқачилар
ва бошқа касб кишилари
орасидан маҳоратли,
ҳақиқий футболчилардан
асло қолишмайдиган
спортчилар етишиб чиқа-
ётганлиги намён бўлди.
Мини футбол бўйича
Ўзбекистон касаб уюш-
малари Федерациясининг
кўчма Кубоги учун

тўрт кун мобайнида
бўлиб ўтган мазкур му-
собақа ҳақиқий спорт
байрами сифатида меҳ-
наткашларни соғлом-
лаштириш, уларга кўтар-
инки руҳ, аъло кайфия-
т бағишлашда беқиёс
аҳамият касб этди.

Ярим финал ва фи-
нал ўйинлари ўзининг
жозибадорлиги, чирой-
ли комбинацияларга
бойлиги, янги номлар-
ни кашф этганлиги бил-
ан янада қимматли-
дир. Яқунловчи мусоба-
қалар ҳамда турнирнинг
тантанали равишда
ёпилишига оид мақола-
ларни ва суратли лав-
ҳаларни газетамизнинг
галдаги сонларидан би-
рида эътиборингизга
ҳавола этамиз.

Камол ОЛЛОЁРОВ,
«Ишонч»нинг спорт
шарҳловчиси.
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар.

бу спорт масканлари
ёшларимизнинг севи-
ми л жойига айланиб
қолади.

Вилоят ҳокимлиги
раҳбарлигида ушбу ну-
фузли мусобақани юк-
сак савияда ўтказиш
учун амалга оширилган
пухта тайёргарлик ўзи-
нинг ижобий самараси-
ни берди. Келажгимиз
бунёдкорлари бўлган
ёшларимизнинг бу кат-
та спорт байрамини
ёдда қоларли даражада

Table with 2 columns: Rank, Name, Points. Lists winners from various regions like Toshkent, Fergana, Namangan, etc.



ҚИШЛОҚ СПАРТАКИАДАСИ

Бугун қайси бир меҳнат жамоасида
бўлманг, спортнинг у ёки бу тури билан шу-
гулланувчилар сони тобора ортиб бораётган
ҳақида эшитасиз. Соғломлаштиришнинг
тенгсиз бу усулини оммалаштиришда касаб
уюшмалари ташаббускорлик қилаётган-
лиги, айниқса, кишига мамнунлик бағишлай-
ди. Буни Наманган шаҳридаги «Спартак»
ўйингоҳида якунига етган қишлоқ касаб
уюшма вакилларининг спартакиадаси мисо-
лида ҳам кўриш мумкин.

Вилоят спартакиада-
сига қадар спортчилар
меҳнат жамоаларида,
шунингдек туман миқё-
сида ўтказилган баҳс-
ларда мусобақалар
ҳадисини олганликлари
мазкур босқич белла-
шувларидаги натижа-
ларда ўз ақсини топди.
Улар стол тенниси, во-
лейбол, миллий кураш,
мини футбол, тош кўта-
риш, аркон тортиш,
шоҳмат-шашка белла-
шувларида юқори
кўрсаткичларни тақдим
этдилар.

ат ҳодимлари касаб
уюшма тармоқ кўмита-
си спортчилари бирин-
чи ўринни қўлга кирит-
дилар. Таълим ва фан
ҳамда давлат маюсса-
салари ва жамоа хиз-
мати ҳодимлари касаб
уюшма тармоқ кўми-
талари вакиллари эса
иккинчи ва учинчи
ўринларни эгалладил-
ар.

Яқуний натижаларга
кўра умумжамоа ҳисо-
бида вилоят агросано-

Ғолиблар вилоят касаб
уюшмалар Кенга-
шининг қимматбаҳо
совринлари ва эсдалик
совғалари билан тақ-
дирланди.
О.ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» муҳбири.

ОСИЁДА БИРИНЧИ

Алихўжаев 105 килограмм
вазнда тўртинчи ўринларни
эгаллашди. Жамоа ҳисобида
Ўзбекистон миллий термаси
биринчиликини қўлга киритди.

онликини қўлга киритгандим.
Бу ютуқда мураббий Алек-
сандр Кимнинг меҳнатлари
катта, - деди Шохрух Алихў-
жаев «Туркистон пресс» мух-
бирига. - Осие биринчилиги-
да бизга оғир атлетика бўйи-
ча республика терма жамоа-
сининг бую мураббийи Ра-
шид Маткаримов ва Шохру-
ло Махмудовлар бошчилик
қилишди.

Мамлакатимизнинг шимолий
минтақасида жойлашган кўна
Хоразм Пахлавон Махмуд Пурёри-
валдек ҳам маънавий, ҳам жисмо-
ний куч-қудрат бобида доврўф
қозонган буюк инсонлар дёбири.
Воҳанинг кураги ерга тегмаган ме-
тин иродали полвонлари, оёғидан
ўт чақнаган асов бедовлари билан
кўпқарига кирган учқур чавандо-
лари шухрати оламга машҳур.

ОММАВИЙ МУСОБАҚАЛАРДАН ЧЕМПИОНЛИК ШОҲСУПАСИГА

спорт мактабларида 55 нафар му-
раббий иш олиб бормоқда. Спорт
мактабларида эса 2556 тарбияла-
нувчи жалб қилинган бўлиб, улар
миллий кураш, бокс, самбо, дзю-
до, велоспорт, футбол, волейбол,
эркин кураш, оғир атлетика сир-
ларини ўрганишмоқда.

Республика миқёсидаги мусоба-
қаларда эришилаётган натижалар
воҳа спортининг ривожланиб
бораётганлигидан далолат бермоқда.
Жумладан, БУСМ ўқувчиси Шухрат
Рўзметов бокс бўйича ёшлар ўрта-
сида 3 марта мамлакат чемпио-
лини қўлга киритди, Германия ва
Россияда ўтказилган халқаро тур-
нирларда ғолиб бўлди. Шерзод Аб-
дурахмонов эса мамлакат ўқувчи-
лар спартакиадасида учинчи ўрин-
ни эгаллади. Спортнинг самбо тури
бўйича жаҳон биринчилиги соврин-
дори Тохир Бобоҷонов, Осие чем-
пионати кумуш медали соҳиби Аб-
дулла Абдуллаев, армирестлинг
бўйича Польшада ўтказилган хал-

ОЛТИН МЕДАЛ ИШҚИДА

Мамлакатимиз кикбоксчилари Грецияда
бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионатида пухта
қозирланишмоқда.

Бу галги терма жамоа барча даврлардагидан
кучли, - деди федерация президенти Сардор Тош-
хўжаев «Туркистон-пресс» мухбирига. - Олмос Юсу-
пов, Шавкат Ўроқов, Темурабдулло Махмудов, Шу-
ҳрат Юсупов, Жаҳонгир Кўчмуродов, Гуля Омонтае-
ва, Инна Садчикова каби Жаҳон ва Евро-Осие чем-
пионлари бу сафар биринчиликда ишончимизни
оқлайди, деб ишонамиз.

Асосан Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилояти
спортчиларидан иборат терма жамоа аъзолари
ҳозир сўнгги тайёргарлик машқларига зўр бериш-
моқда. Чемпионат 7-14 май кунлари Грециянинг
Роджес Исланд шаҳрида бўлиб ўтади. Терма жа-
моа бош мураббийи Руслан Дадаҳонов ва мураб-
бий Самвел Агапегян спортчиларни чемпионатга
пухта тайёрлашмоқда. Улар яқин кунларда Греция-
га жўнаб кетишади. Уч қарра Жаҳон чемпиони Ол-
мос Юсупов ва унинг жамоадoshiлари шода-шода
олтин медаллар билан қайтишлари ишонса бўла-
ди. Чунки уларнинг бугунги тайёргарликлари ана
шундан далолат беради.

«Туркистон-пресс».

Навий шаҳрида авто-
кросс бўйича Ўзбекистон
чемпионати мусобақаси-
нинг биринчи босқичи
яқунланди. Уни вилоят
ҳокимлиги ва Мудофаа-
га кўмаклашувчи «Ватан-
парвар» ташкилоти вило-
ят Кенгаши ҳамкорлик-
да ўтказди. Мусобақада
барча вилоятлардан кел-
ган 100 дан зиёд авто-
пойгачи иштирок этди.

АВТОПОЙГА ҒОЛИБЛАРИ

Шаҳарнинг Спутник
кўрғонига барпо этил-
ган янги автопойга маж-
муини Навий кон-ме-
таллургия комбинати
қуриб берди. Бу ерда
«Нексия», «Тико», «Да-
мас» ва бошқа автомо-
биллар мусобақасини
ўтказиш мумкин.

Икки кун давом этган
мусобақада Самарқанд
вилояти автопойгачи-
лари биринчи ўринни
эгаллашди. Қашқадарё
ва Жиззах вилояти жа-
моалари иккинчи ва
учинчи ўринга сазовор
бўлди.

Клублар ўртасидаги
курашда Самарқанд ав-
томобил мактаби жа-
моаси биринчиликини
қўлга киритди. Шаший
биринчиликда автома-
шинанинг «Баги» тури
бўйича самарқандлик
И.Обиджонов, энгил ав-
томобилда тошкентлик
С.Стариков, юк авто-
мобилида яна бир сам-
марқандлик автопойга-
чи О.Назаров шохсу-
паннинг юқори поғонаси-
дан жой олди.

(ЎЗА).

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширишди 01.50

Манзили: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетада 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табақ. Сатуда эркин нарҳда. «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.